



САМАРАЛИ КРЕДИТЛАШ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА БАНКЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ (ЎСВС БАНК МИСОЛИДА)

PhD, доц. Бозоров Руслан Хамдамович
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
ORCID: 0009-0008-5022-2441
ruslanhamdamovich@mail.ru

Аннотация. Мақолада тижорат банкларида самарали кредитлаш механизмларини амалга оширишда банкларнинг молиявий кўрсаткичларини ўрнининг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган. Хусусан, тижорат банкларининг активлар ва пасивлар таркиби, активлар ва капитал рентабеллиги, тижорат банкидаги муаммоли кредитлар ва уларнинг улуши ҳамда улар учун яратилган захиралар миқдорининг 10 йиллик динамикаси таҳлил қилинган ҳолда илмий хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: кредит механизми, молиявий барқарорлик, активлар ва пасивлар таркиби, активлар рентабеллиги, капитал рентабеллиги, муаммоли кредитлар, депозитлар, захиралар.

АНАЛИЗ ФИНАНСОВЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ БАНКОВ ПРИ ОСУЩЕСТВЛЕНИИ ЭФФЕКТИВНОЙ КРЕДИТНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ (НА ПРИМЕРЕ БАНКА УСВС)

PhD, доц. Бозоров Руслан Хамдамович
Академии государственного управления
при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация. В статье описаны теоретические и практические аспекты роли финансовых показателей банков в реализации эффективных механизмов кредитования в коммерческих банках. В частности, состав активов и пассивов коммерческих банков, рентабельность активов и капитала, 10-летняя динамика проблемных кредитов в коммерческих банках и их доля, а также 10-летняя динамика суммы резервов, созданных для их, были сформированы.

Ключевые слова: кредитный механизм, финансовая устойчивость, состав активов и пассивов, рентабельность активов, рентабельность капитала, проблемные кредиты, депозиты, резервы.

ANALYSIS OF FINANCIAL INDICATORS OF BANKS IN THE IMPLEMENTATION OF EFFECTIVE LENDING ACTIVITIES (IN THE CASE OF ICBC BANK)

PhD, assoc. prof. **Bozorov Ruslan Khamdamovich**
Academy of Public Administration
under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract. The article describes the theoretical and practical aspects of the role of financial indicators of banks in the implementation of effective lending mechanisms in commercial banks. In particular, the composition of assets and liabilities of commercial banks, the profitability of assets and capital, the 10-year dynamics of problem loans in commercial banks and their share, as well as the 10-year dynamics of the amount of reserves created for them, were formed.

Key words: credit mechanism, financial stability, composition of assets and liabilities, profitability of assets, profitability of capital, problem loans, deposits, reserves.

Кириш.

Миллий иқтисодиётда фаолият олиб бораётган тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини самарали ташкил этиш масаласи мамлакатда белгиланган стратегик ислохотларни амалга оширишга доир ҳар қанақа иқтисодий ва ижтимоий лойиҳаларни ишончли ва сифатли молиялаштириш учун долзарб механизм ҳисобланади. Ушбу вазиятда, банкларда самарали кредитлаш механизмини йўлга қўйишда бир вақтнинг ўзида макроиқтисодий омиллар билан бирга бевосита банкларининг молиявий кўрсаткичлари ва уларга доир меъёрларнинг бажарилиши ҳолати, шунингдек уларни бошқариш ва тартибга солиш амаллари ҳам ўз таъсирини ўтказди. Шу сабабли, ички ва ташқи фойдаланувчилар учун ҳам ушбу молиявий кўрсаткичларнинг таҳлили муҳимдир.

Глобаллашув шароитида, маҳаллий тижорат банкларда самарали фаолиятни ташкил этиш, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини оширишда ўрганишларни хорижий амалиётларга таянган ҳолда амалга оширилиши талаб этилади. Шу сабабли, бугунги кунда Осиё қитъасининг йирик молиявий институтларидан бири бўлган Хитой халқ республикасининг энг йирик тижорат банкларидан ICBC (Industrial and Commercial Bank of China) банки амалиётини таҳлил қилиш бу борада долзарблик касб этади.

Адабиётлар шарҳи.

Умуман олганда, бир қанча иқтисодчи олимлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлиги юзасидан бир қанча тадқиқотлар олиб борилгани аниқланди. Лекин, хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли равишда тижорат банклари асосан жалб этилган ресурсларни ўз риски билан жойлаштиришидан келиб чиққан ҳолда банклар молиявий барқарорлигини таъминлаш бошқа субъектларга қараганда аҳамияти юқори ҳисобланиши маълум бўлди.

Иқтисодчи олимлар томонидан (Овчинникова ва Бецлар, 2006) банклар молиявий барқарорлиги деганда, банкларга ташқи таъсирлардан қатъи назар уларнинг асосий ва янги пайдо бўладиган функцияларини бажаришини айтишган.

Банклар барқарорлиги тўғрисида Живалов банклар ишончилиги, мижозлар мажбуриятлари ва омонатларини жалб этиш ишончилиги тўғрисида фикрлар билдириб ўтган (Живалов, 1997).

Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан бири (Махмудалиева, 2001) “тижорат банклари молиявий барқарорлиги – бу банк активлари, мажбуриятлари, капитали ва молиявий натижалари динамикасининг йўл қўйиш мумкин бўлган хатар шароитида,

ликвидликни сақлаган ҳолда, фойда ва капитални ўстириш асосидаги банк ривожланишини акс эттирувчи кўрсаткичлар йиғиндиси” сифатида таъриф келтиради.

Иқтисодчи олимларимиздан бири (Бозоров, 2023) ўз тадқиқотида, “тижорат банклари молиявий барқарорлиги бу – банк фойда олиш жараёнида унинг молиявий кўрсаткичлари ва фаолиятининг ижобий ҳолатини таъминлаган ҳолда банк хизматлари бозорида ўз мавқейини мустаҳкамлаш орқали ички ва ташқи муҳитнинг салбий оқибатларига қарши тура олиш қобилияти” дея фикр билдирган.

Юқорида тижорат банклари молиявий барқарорлигига доир назарий қарашларни таҳлил қилдик. Ўз ўрнида тижорат банкларининг молиявий кўрсаткичларини ижобий тенденцияга эга бўлишида бевосита унинг самарали кредитлаш механизмнинг ўрни беқиёсдир. Шу сабабли навбатда олимларнинг кредитлаш механизмларига доир қарашларини кўриб чиқамиз.

Академик Лаврушин (1970) “Иқтисодий рағбатлантириш тизимида кредит” номли китобида “кредит чегараларини кенгайтиши – ссуда бериш ва қайтаришнинг таъсирчан механизмини излаб топиш ҳамда бу орқали иқтисодиётда ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда кредит ричаглари ролини ошириш” дея фикр билдирган ҳолда, кредит механизмнинг амалга ошириш жараёнининг бир қисми – бу кредитлаш механизми деб таъкидлайди.

Ўзбек иқтисодчиларидан Р.Х.Бозоров мамлакатда фаолият бораётган тижорат банкларининг кредитлаш механизмларининг самарали ишлашига таъсир этувчи омиллардан бири сифатида аҳолининг молиявий саводхонлигини келтиради ва у куйидагича (Бозоров, 2024): “аҳолида етарли даражада молиявий саводхонликнинг шакланмаганлиги, ажратилаётган кредитларнинг самарали ишлатилмаслигига, шунингдек уларнинг қайтариш имконини пасайишига, оқибатда муаммоли кредитларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида тижорат кредитлари (баъзида имтиёзли кредитлар) бўйича кредитлаш механизмларининг таркибий элементлари бўйича талабларнинг қатъийлашишга олиб келади” дея фикр билдирган.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотнинг асосий мақсади тижорат банклари молиявий кўрсаткичлари амалий ҳолатини таҳлилинини ўтказиш орқали улар динамикасини банк кредит фаолиятига таъсири ўрганиш асосида самарали кредитлаш механизмларини амалга оширишга доир илмий хулосалар шакллантириш ва тавсиялар ишлаб чиқиш. Ушбу мақоланинг назарий, амалий ва услубий асоси сифатида иқтисодий адабиётлар ва илмий мақолалар, иқтисодчи олимлар ва экспертларнинг тижорат банклари молиявий барқарорлиги ва кредитлаш механизмига доир фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, жараёнларни кузатиш, ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, эксперт баҳолаш, иқтисодий муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли хулоса ва таклиф ҳамда тавсиялар берилган. Тадқиқот жараёнида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда статистик маълумотларни жамлаш, умумлаштириш, таққослаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

ICBC банки 1984 йилда давлат банки сифатида ташкил этилган ҳамда 2005 йилдан бошлаб акциядорлик тижорат банки сифатида фаолият олиб бормоқда²³. Шу билан бирга Industrial and Commercial Bank of China “The Banker” журнали маълумотларига қараганда биринчи даражали капитали ҳажми бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллагани эътирофга лойиқ²⁴. 2023 йил охирига келиб мазкур банкнинг жами 419252

²³ Industrial and Commercial Bank of China. Annualreport. 2018.

²⁴ www.thebankerdatabase.com расмий интернет сайти.

нафар ходими бўлиб, улардан 15767 нафари дунё бўйлаб хорижий филиалларда ўз фаолиятларини олиб бормоқда²⁵.

ICBC банки фаолиятида кредитларнинг ўрни ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш амалиётини таҳлил этиш мақсадида энг аввал, биз банк актив ва пасивлари таркибини ўрганиб чиқамиз.

Навбатдаги жадвалда ICBC банки активлари таркибининг сўнгги 10 йил даврдаги ўзгариш тенденцияси келтирилади.

1-жадвал

ICBC банкининг 2014-2023 йилларда 31 декабрь ҳолатидаги активлари таркиби

№	Активлар номи	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	Фарқ
1.	Кассали активлар	20,9	16,9	17,2	17,1	15,6	14,5	13,9	11,2	11,3	11,5	-9,4
2.	Савдо сотиққа мўлжалланган молиявий активлар	4,1	6,4	5,5	4,1	2,9	3	2,6	2,1	2,4	2,9	-1,2
3.	Кредитлар	52,2	52,5	52,9	53,3	54,3	54,2	54,4	57,2	57	56,8	4,6
4.	Молиявий инвестициялар	20,0	21,1	20,9	22,2	24,5	25,4	25,8	26,3	26,6	26,5	6,5
5.	Асосий воситалар	1,0	1,0	1,0	0,9	1,0	1	0,9	0,8	0,7	0,7	-0,3
6.	Бошқа активлар	1,8	2,2	2,5	2,4	1,6	1,9	2,4	2,4	2	1,6	-0,2
Жами активлар (%)		100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	---
Жами активлар (RMB трлн)		20,6	22,2	24,1	26,1	27,7	30,1	33,3	35,2	39,6	44,7	

Манба: Industrial and Commercial Bank of China (Хитой Халқ Республикаси) 2014-2023 йиллардаги йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

1-жадвал маълумотларига кўра ICBC банкига даромад келтирувчи активлари сифатида кредитлар ҳамда молиявий инвестицияларнинг умумий активлардаги улуши 2023 йилга келиб мос равишда 4,6 ва 6,5 фоизли пунктга ошганлиги кўриш мумкин ва мазкур ҳолат кредитлаш ва сармоялаш фаолияти орқали банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш жиҳатидан ҳам ижобий ҳолатга сабаб бўлувчи тенденция ҳисобланади. Шунинг билан бирга, банкнинг кассали активлари унинг ликвидлигига таъсир қилувчи энг асосий кўрсаткичларда бири эканлигини инобатга олсак, унинг таҳлил этилган давр оралиғида активлардаги улуши 9,4 фоизли пунктга пасайганлиги банкнинг ликвидлигига салбий таъсири қилсада, аммо ушбу активлар банк учун даромад олиб келувчи активларга айлантилганлиги жиҳатидан ижобий ҳолат сифатида қаралади.

Мазкур банкда пасивлар таркибининг сўнгги ўн йилликдаги ўзгариш динамикаси навбатдаги жадвалда келтирилган.

ICBC банки пасивлари таркибида бошқа банклар маблағларининг улуши сезиларли даражада (-2 фоизли пунктга) камайган бўлса, деярли бошқа кўрсаткичларда кўпайиб бориш кузатилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, РЕПО ҳамда акционерлик капитали улушининг пасивлар таркибида ошиб борганлиги ижобий ҳолат

²⁵ Industrial and Commercial Bank of China-2023 Annual Report

ҳисобланади. Шунингдек, Жаҳон банки экспертлари томонидан банк акционерлик капиталининг ҳажмининг пасивлардаги улуши 10 фоиз бўлишлиги тавсия этилганлигини инобатга олсак, банкнинг истиқболли бошқарувида мазкур кўрсаткичнинг улушини янада оширишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2-жадвал


ICBC банкининг 2014-2023 йилларда 31 декабрь ҳолатидаги пасивлари таркиби

№	Пассивлар номи	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	Фарқ
1.	Банклар маблағлари	10,4	11,9	10,2	7,2	7,1	8,1	9,2	8,9	8,8	8,4	-2
2.	РЕПО	1,8	1,5	2,4	4,0	1,9	0,9	0,9	1	1,5	2,3	0,5
3.	Депозит сертификатлари	0,9	0,8	0,9	1,0	1,2	1,2	1	0,8	0,9	0,9	0
4.	Мижозлар маблағлари	75,5	73,3	73,8	75,0	77,3	76,3	75,4	75,2	75,4	75	-0,5
5.	Бошқа мажбуриятлар	3,9	4,3	4,3	4,6	4,0	4,6	4,8	4,8	4,5	4,9	1
6.	Акционерлик капитали	7,5	8,1	8,2	8,2	8,5	8,9	8,7	9,3	8,9	8,5	1
Жами пасивлар (%)		100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	
Жами пасивлар (RMB трлн)		20,6	22,2	24,1	26,1	27,7	30,1	33,3	35,2	39,6	44,7	---

Манба: Industrial and Commercial Bank of China (Хитой Халқ Республикаси) 2014-2023 йиллардаги йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Қолаверса банкда мижозлар маблағларнинг пасивлардаги улуши ҳам барқарор равишда 75 фоиз атрофида сақланиши, банкнинг жамғарма операцияларини миқдордан йилма-йил кўпроқ амалга ошираётгани англатади, Чунки, 2014 йилда банк пасивлари миқдори 20609,9 трлн юань бўлган бўлса, 2023 йилда ушбу кўрсаткич 44697,1 трлн юанни ташкил қилган ҳолда, 2,17 баробарга ошган.

Биз навбатда банк фаолиятининг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири бўлган банк активлари рентабеллиги кўрсаткичини ICBC банкининг ҳисобот маълумотлари асосида таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Қуйида келтирилган расмда ICBC банкининг активлар рентабеллиги даражаси кўрсаткичларининг 2014-2023 йиллар мобайнидаги динамикаси келтирилган.




1-расм. ICBC банки активлари рентабеллик даражаси, фоизда

Манба: Industrial and Commercial Bank of China (Хитой Халқ Республикаси) 2014-2023 йиллардаги йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

1-расм маълумотларидан ICBC банки активлари рентабеллик даражаси 2014-2021 йилларда Жаҳон банкининг экспертлари томонидан тавсия этган меъёрдан, яъни 1,0 фоиз даражадан кам бўлмаганлигини кўришимиз мумки. Аммо 2022-2023 йилларда мазкур кўрсаткич даражаси ушбу меъёрдан кам бўлганлигини ҳамда ўрганилган давр давомида кўрсаткич даражаси динамикаси доимий пасайиш тенденциясига эга бўлган. Шу боисдан банк томонидан мазкур салбий тенденцияни келтириб чиқараётган омилларни чуқур таҳлил қилган ҳолда банкнинг молиявий барқарорлигини ижобий тенденцияда таъминлаш чораларини кўриш зарур деб ҳисоблаймиз.

Навбатда, 2-расмда 2014-2023 йилларда ICBC банкининг банк капитали рентабеллиги даражасининг ўзгариш динамикаси келтирилмоқда.



2-расм. ICBC банкининг капитал рентабеллиги даражаси, фоизда


Манба: Industrial and Commercial Bank of China (Хитой Халқ Республикаси) 2014-2023 йиллардаги йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2-расм маълумотларидан, ICBC банкининг капитал рентабеллиги даражаси экспертлар томонидан тавсия этилган меъёрий даражадан (10 фоиздан) паст бўлмаслиги таъминланганлигини кўришимиз мумкин. Аммо ушбу рентабеллик кўрсаткичи ҳам аввалги рентабеллик кўрсаткичи (активлари рентабеллик) даражаси каби пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бироқ активлар рентабеллиги даражаси ўрганилган давр давомида 1,61 баробар (1,40/0,87) камайган бўлса, банкнинг капитал рентабеллик кўрсаткичи эса 1,96 мартта (19,62/10,02) камайган. Бу ҳолатни ушбу давр давомида банк капиталининг банк пассивларидаги улуши (ёки банк активларига нисбати) ортиб бориши билан изоҳлаш мумкин. Бу эса агар активлар рентабеллиги 1 фоиз ҳолат қайд этилганда, мос равишда капитал рентабеллиги 10 фоиз бўлишлиги таъминланган ҳолда экспертлар тавсия этган меъёр бир вақтда қайд этилиши имконияти нуқтаи назаридан баҳоласак, бу ҳолатда банк капиталининг активларга нисбати 10 фоиз (10/100) бўлишлиги талаб этилади. Шу боисдан ҳам ICBC банкида акционерлик капиталининг ўсиш даражаси активларнинг ўсиш даражасидан юқори эканлиги ижобий ҳолат ҳисобланади.

Бизга маълумки, юқорида таҳлил қилинган банкнинг асосий молиявий кўрсаткичларининг ижобий ҳолатини таъминлаш бевосита банкларнинг асосий фаолияти ҳисобланган кредит фаолияти натижалари билан боғлиқ. Шу сабабдан, навбатда ICBC банкининг кредитлар билан боғлиқ кўрсаткичларини таҳлил қиламиз.

Амалиётдан маълумки, банкнинг кредитлаш механизми самарадорлиги ва унинг натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлардан асосийси бу банкдаги муаммоли кредитлар миқдори ва уларнинг умумий кредитлардаги улуши ҳисобланади.

Навбатдаги расмда ICBC банкининг юқоридаги таҳлил даврларидаги муаммоли кредитларнинг умумий кредитлар ҳажмидаги улуши келтирилган.



3-расм. ICBC банкида муаммоли кредитлар (NPL)нинг умумий кредитлар ҳажмидаги улуши, фоизда

Манба: Industrial and Commercial Bank of China (Хитой Халқ Республикаси) 2014-2023 йиллардаги йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.


3-расм маълумотларига кўра, банкнинг муаммоли кредитлари улуши 2016 йилда юқори даражага кўтарилган. 2023 йилга келиб, 2016 йилга нисбатан, 0,26 фоизли пунктга пасайган. Бу ҳолат банкда бир томондан амалда қўлланилаётган кредитлаш механизмининг самарадорлигини ифодаласа, иккинчи томондан унинг натижаси албатта банкнинг молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Банкларнинг муаммоли кредитлари ҳажмига макроиқтисодий омиллар ҳамда банкнинг андеррайтинг сиёсати таъсир кўрсатади. Яъни, муамолли кредитлар юқори инфляция, ишсизликнинг ўсиши ва иқтисодий ўсишнинг секинлашуви билан кўпаяди. Шу сабабли, муаммоли кредитларнинг умумий кредитларга нисбатини иқтисодий ривожланиш даражаси ва иқтисодий вазиятларга қараб таққослаш ёки баҳолаш зарур. Мисол учун, унинг 1 фоизли ҳолати иқтисодга қараб ёмон ёки ажойиб кўриниши мумкин. Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2022 йилда АҚШда муаммоли кредитларнинг улуши 0,7 фоизни ташкил этган. Лекин, 2009 йилда, молиявий-иқтисодий инқироздан сўнг, унинг даражаси 5 фоизни ташкил қилган. Шундай экан, ICBC банкида ушбу кўрсаткич сўнгги 3 йилда пасайиш тенденциясида эканлиги ижобий ҳолат ҳисобланади.

Нобарқарор иқтисодий вазиятларда тижорат банклари иқтисодий муаммоларнинг дастлабки белгиларида кредитлар бўйича йўқотишлар учун захираларни кўпайтириш ҳисобига муаммоли кредитларнинг қутилаётган ўсишини бошқаради ва шу орқали уларни тартибга солади.

Навбатдаги таҳлилимизда, бошқа банкларда бўлгани каби кредитлар бўйича яратилган захира миқдорининг умумий кредитлар ҳажмига нисбатини ўрганамиз.

4-расм маълумотларидан ICBC банки кредитлар бўйича яратилган захира миқдорининг умумий кредитларга нисбати 2016 йилда энг паст даражада бўлган бўлса, 2021 йилда энг юқори даражада бўлганини кўришимиз мумкин. 2023 йилда эса 2014 йилга нисбатан 0,56 фоизли пунктга юқорилаган ҳолатда 2,90 фоизни ташкил қилган. Жаҳон банки экспертларига кўра ушбу кўрсаткич 0,5 фоиз бўлиши меъёр ҳисобланади, шунга кўра ушбу кўрсаткич банкда меъёр даражасидан юқори ҳисобланади. Қолаверса Хитойнинг 43 та тижорат банклари маълумотлари асосида ўтказилган тадқиқотларга кўра (Fukuyma, Tan, 2024), кредитлар бўйича яратилган захиранинг умумий

кредитларга нисбати 1 фоиздан кам бўлган банклар 1 фоиздан юқори бўлганларга нисбатан юқори самарадорликка эришган.



4-расм. ICBC банкида кредитлар бўйича яратилган захиранинг умумий кредитлар ҳажмига нисбати, фоизда

Манба: Industrial and Commercial Bank of China (Хитой Халқ Республикаси) 2014-2023 йиллардаги йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Бундан ташқари, йирик банклар тартибга солувчи орган томонидан талаб қилинганидан кўра кўпроқ захира миқдорига эга бўлган. Шунингдек тадқиқотга кўра, захира даражаси қандай бўлишидан қатъий назар камроқ ликвидли банклар юқори ликвидли банкларга нисбатан, капиталлашуви юқори банклар нисбатан пастроқ капиталлашувга эга бўлган банклардан кўра яхшироқ ва самаралироқ ишлаганлиги таъкидланган. Аммо, тадқиқот таҳлилларида юқори капиталлашувга эга банклар доимий равишда кредитлар бўйича захира миқдорини 1 фоиздан юқори даражада ушлаб турганлигига урғу берилган.

Шунга кўра, ICBC банкидаги кредитлар бўйича яратилган захиралар миқдорининг даражаси кредитлаш механизмининг самарадорлигини ва банклар молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Бундан ташқари, захиралар миқдорининг кўплиги ёки кўпайиб бориши бевосита банк активларининг сифати ёмонлашуви билан ҳам боғлиқдир. Шу сабабли, келгусида мазкур банк ушбу кўрсаткич миқдори ва унинг меъёр даражасига алоҳида эътибор бериши зарур ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантирилди:

- ICBC банкида таҳлил даврида кассали активларнинг умумий активлардаги улуши доимий равишда камайиб (-9,4) борган бўлса, мос равишда ушбу даврда кредитлар ва инвестициялар ҳажми ортиб (+11,1) борган. Демак, банкда ушбу даврда “активларни жойдан-жойига кўчириш” орқали ликвидлик активлардан кўра, даромад келтирувчи активларнинг салмоғи оширишга эришилган;

- Хитой банк тизими бўйича ўтказилган тадқиқотга кўра, капиталлашуви юқори бўлган банкларнинг самаралироқ ишлашени инобатга олсак, ICBC банкида акционерлик капиталининг пассивлар таркибидаги улушини ортиши ижобий ҳолат ҳисобланади;

- ICBC банкида таҳлил даврида активлар ва капитал рентабеллиги даражаси динамикаси салбий тенденцияга эга бўлган. Капиталлашув даражасининг ўсишини инобатга олсак, бу салбий ҳолат капитал рентабеллиги кўрсаткичи бўйича тенденция

жадаллашганини англатади, гарчи ҳозирги ҳолат экспертлар томонидан тавсия қилинган меъёрдан паст бўлмасада;

- ИСВС банкида 2016-2024 йилларда кредитлар бўйича яратилган захиралар улушини умумий кредитлар ҳажмига нисбати кўрсаткичининг 1,3 (2,9/2,22) баробарга ортиб бориши ва ушбу захиралар миқдорининг муаммоли кредитларга нисбати 1,56 (213,9/136,7) баробарга кўпайиши ушбу давр давомида банк активлар сифати бўйича таснифида салбий ҳолатлар рўй бераётганини ҳамда ушбу ҳолат муаммоли кредитларнинг улуши кўрсаткичи динамикасида кўра салбий тенденция эканини англатиши мумкин;

Бу борада олиб борилаётган тадқиқотларга кўра маҳаллий тижорат банкларимиз учун қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

➤ мижозга кредит ажратиш бўйича қарор қабул қилишда тўловга лаёқатлилиги, шунингдек қарз юки баҳоланаётганда, унинг кредитлар (янги ажратилиши талаб этилаётган ва мавжуд кредитлар) бўйича нафақат жорий балки кредит графикларига мувофиқ келгуси даврлардаги кредит мажбуриятларини таҳлил қилиш зарур;

➤ банкда муаммоли кредитлар ҳажмини ортишини олдини олиш ва мижоз даромадлари ҳамда молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлаш мақсадида сўровларига асосан пул тушумлари санасига мувофиқ кредит бўйича асосий қарз ва фоизлар бўйича тўлов кунини ойнанинг улар учун қулай бўлган санасига ўзгартириш имконини берувчи тартибни йўлга қўйиш;

➤ кредит бўйича мижозларнинг тўлов мажбуриятларини ўз вақтида амалга оширишларига таъсир ўтказувчи пеня воситаси сингари, уларнинг тўлов хоҳишларини уйғотувчи ва рағбатлантирувчи механизм сифатида **тўлов графигидан олдин** мижознинг кредит бўйича ҳисобрақамига графикка кўра тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида **ўтказилган (тўланган) суммалар эвазига икки томон учун манфаатли фоиз ставкаларда ҳақ тўлаш** тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар / Литература/ Reference:

Fukuяama, H., Tan, Y. (2024) Investigating into the dual role of loan loss reserves in banking production process. *Ann Oper Res* 334, 423–444.

Бозоров, Р. (2024). Тижорат банкларининг кредитлаш механизмларига таъсир қилувчи ташқи омилларнинг назарий таҳлили. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 2(2), 338-347.

Бозоров, Р. Х. (2023). Банк ресурслари ҳисобига кредитлаш механизмларининг назарий асослари. *Science and innovation*, 2(Special Issue 13), 709-711.

Живалов В.Н. (1997) *Повышение устойчивости функционирования коммерческих банков.* - М.: РАГС.

Лаврушин, О.И. (1970) *Кредит в системе экономических стимулов / О.И. Лаврушин.* - Москва.: Финансы. - 88 с

Маҳмудалиева Ё.А. (2001) *Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация.* Т.: -15 б.

Овчинникова О.П., Бец А.Ю. (2006) *Основные направления обеспечения динамической устойчивости банковской системы // Финансы и кредит. № 22.*